

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА
ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**УЙДА ЯККА ТАРТИБДА
ТАЪЛИМ БЕРИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ - 2024

Уйда якка тартибда таълим бериш бўйича услубий қўлланма.

Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 й. – 27 б.

Уйда якка тартибда таълим бериш бўйича услубий қўлланмада болаларга уйда якка тартибда таълимни ташкил этиш механизми, ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш, уйда якка тартибда таълим бераётган ўқитувчиларга ҳақ тўлаш тартиби, мактаб директори, синф раҳбари, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

МУНДАРИЖА

HYPERLINK

"

f

i

БОЛАЛАРГА УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ БЕРИШГА ДОИР

Н

:

HYPERLINK

"file:///C:\\Users\\q.usmanov\\Desktop\\Методиклар\\Таълим\\Уйда%20якка%20тартибда%20таълим%20бериш.docx" \\| "_Тос175317065" **ЎҚУВЧИЛАРГА УЙДА ЯККА**

М

Т

А

HYPERLINK

"file:///C:\\Users\\q.usmanov\\Desktop\\Методиклар\\Таълим\\Уйда%20якка%20тартибда%20таълим%20бериш.docx" \\| "_Тос175317066" **ЎҚУВЧИЛАРГА УЙДА ЯККА**

Т

Р

И

Т

В

И

Б

К

Д

И

В

И

Т

А

Ш

У

Й

Д

А

К

А

М

У

Й

Д

А

К

А

Р

"file:///C:\\Users\\q.usmanov\\Desktop\\Методиклар\\Таълим\\Уйда%20якка%20тартибда%20таълим%20бериш.docx" \\| "_Тос175317067" **УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ**

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ, СИНФ РАЎБАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАР

\\q.usmanov\\Desktop\\Методиклар\\Таълим\\Уйда%20якка%20тартибда%20таълим%20бериш.docx" \\| "_Тос175317068" **УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ**

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида халқ таълими тизимида оид қонунчиликда, институционал ривожланишда, мактаб ёшидаги болаларга замон талабларига мос равишда таълим-тарбия беришда айрим бўшлиқ ва камчиликлар мавжудлиги кўрсатилган.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, имконияти чекланган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

2023-2024 ўқув йилида уйда якка тартибда таълим олган ўқувчилар сони 14 мингдан ортиқни ташкил этган. Уларга таълим бериш учун 41 минг нафар ўқитувчи жалб этилган.

Шундан келиб чиқиб, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини самарали ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади.

Мазкур масалага оид қонунчилик ҳужжатларини содда, аниқ ва тушунарли тилда баён этиш мақсадида Уйда якка тартибда таълим бериш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланма таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари, мактаб ходимлари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар учун мўлжалланган.

БОЛАЛАРГА УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ БЕРИШГА ДОИР НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги
Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5712-сон
Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада
такмиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ–4860-сон қарори



Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган,
шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган
болаларга уйда якка тартибда таълим бериш тартиби
тўғрисидаги низом



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида”ги
490-сон қарори




Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда ногирон
болаларни уйда ўқитганлик учун умумтаълим
мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси
тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом



ЎҚУВЧИЛАРГА УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

»»» “Таълим тўғрисида”ги Қонунга кўра, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган.

Умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари:



Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки **уй шароитларида якка тартибда** таълим олади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси

»»» Давлат жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг (шахсларнинг) давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида **ИНКЛЮЗИВ**



шаклда бепул умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим олишини таъминлайди.

»»» **Уйда якка тартибда таълим олиш** жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож ва тиббий кўрсатмаларга кўра доимий ёки вақтинча **мактабга қатнай олмайдиган ўқувчилар учун** ташкил этилади.

Мактаб – умумий ўрта таълим ташкилотлари ва жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)



Уйда якка тартибда таълим беришнинг **асосий мақсади** ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларнинг таълим олишлари учун зарур шароит яратишдан иборат.

Уйда якка тартибда таълим беришнинг асосий вазифалари

ўқувчиларнинг умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган (ақли заиф болалар учун) махсус таълим талабларига мувофиқ билим олишларини таъминлаш

баркамол, жисмонан ва маънавий соғлом шахсни вояга етказиш, ўқувчиларда маданий-маърифий қадриятларни, фуқаролик ва ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш

таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг соғлиғини ҳимояловчи дарс жадвалига риоя этилишини таъминлаш

Мақтаб директори мақтаб жойлашган ҳудудда яшайдиган ўқувчиларни аниқлайди, рўйхатга олади ҳамда уларни уйда якка тартибда таълим олиш учун жалб қилиш чораларини кўради.

»»» Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишини белгилаш унинг доимий яшаш жойидаги туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссиясининг тиббий хулосасига асосан туман (шаҳар) мақтабгача ва мақтаб таълими бўлими томонидан амалга оширилади.

1-қадам

Ота-оналар:

»»» Касаллик (патологик ҳолат) аломатлари бўлган ўқувчининг ота-онаси ўқувчини тиббий кўрикдан ўтказиш учун тиббий-маслаҳат комиссиясига мурожаат қилади.

Комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- ✓ ўқувчининг касаллик тарихидан кўчирма;
- ✓ касаллик бўйича махсус даволаш-профилактика муассасаларининг хулосаси;
- ✓ заруратга кўра бошқа диагностика текширувлари натижалари.

Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхати Қўлланманинг “Иловалар” қисмида берилган.

2-қадам

Тиббий-маслаҳат комиссияси:

»»» Мурожаат қилинган кундан бошлаб **3 кун ичида** тиббий кўрик ўтказилади.



Тиббий кўрик натижасига кўра, ўқувчида касалликлар (патологик ҳолатлар) мавжудлиги аниқланса, **тиббий хулоса** расмийлаштиради.

»»» Тиббий хулоса **6 ой муддатга** ёхуд **тўлиқ ўқув йилига** берилади ҳамда тиббий-маслаҳат комиссиясининг раиси, аъзолари ва унинг ишига жалб қилинган бошқа мутахассислар томонидан имзоланиб, даволаш-профилактика муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

- ✓ Тиббий хулоса ота-оналарга тиббий кўрик ўтказилган куннинг ўзида тақдим этилади.

Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтожлиги тўғрисида тиббий хулоса Қўлланманинг “Иловалар” қисмида берилган.

3-қадам

Ота-оналар:

- »»» Фарзандларининг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан мактаб директори номига мурожаат қилади.

Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар:

- ✓ ўқувчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;
- ✓ ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели (таълим олган бўлса);
- ✓ тиббий-маслаҳат комиссиясининг тиббий хулосаси.

4-қадам

Мактаб директори:

- »»» Аризани қабул қилиб олгач, **3 кун ичида** ўқувчини уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиш ҳақида туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимига ота-оналар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма мурожаат қилади.

5-қадам

Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудир:

- »»» Ҳужжатларни қабул қилиб олгач, **3 кун ичида** ўқувчини уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиш тўғрисидаги буйруқни қабул қилади ва унинг нусхасини мактабга юборади.
- ✓ Буйруқда ўқитиш муддати, мактабнинг рақами ва муайян синф кўрсатилади.

6-қадам

Мактаб директори:

- »»» Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг буйруғини олгач, **3 кун ичида** ўқувчига уйда якка тартибда таълим берувчи ўқитувчиларни бириктириш тўғрисида буйруқ чиқаради.
- ✓ Ўқувчи муайян синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтаридаги рўйхатга киритилади. Бунда ўқувчининг ёши, психик ҳолати, аввал қайси синфгача ўқиганлиги инобатга олиниши зарур.



Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактабда асосий иш жойи сифатида ишламайдиган ўқитувчилар ёки мутахассислар жалб қилиниши мумкин.



Ўқувчида бир вақтнинг ўзида **бир неча касаллик турлари учраса** ёки унга фан ўқитувчиларидан ташқари бошқа мутахассислар (логопед, психолог, дефектолог ва бошқалар) мактабда бўлмаган тақдирда, бошқа таълим муассасаларидан ўриндошлик асосида жалб қилинади.



Ўқувчига фан ўқитувчиларидан ташқари **мутахассисларни бириктириш учун** мактабгача ва мактаб таълими бўлими масъул.



Ота-оналарнинг истагига кўра, ўқувчига жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари томонидан уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилиниши мумкин.



Мазкур тоифадаги ўқувчиларга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил этилган **психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси** ва ушбу органларнинг йўлланмаси асосида уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилинади.



Узоқ вақт даволаниши сабабли мактабга бора олмайдиган ўқувчига меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномасига асосан ўқув машғулотларидан озод этилган кунлар оралиғида уйда якка тартибда таълим олиш ташкил этилади.



Уйда якка тартибда таълим бериш меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномасида кўрсатилган муддат тугагач, мактаб директорининг буйруғига мувофиқ тўхтатилади ва ўқувчи мактабнинг тегишли синфига қайтарилади.




Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими мактаб директорлари томонидан ўқувчиларни таълим олишга жалб қилиш чоралари кўрилиши ҳамда улар учун таълим жараёни ташкил этилишини **назорат қилади.**

ЎҚУВЧИЛАРГА УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ БЕРИШ

- »»» Ўқувчига ўқув режаси асосида таълим-тарбия берилади. Ўқув режа Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўқув режасидаги ҳафталик соатлар миқдори 1–4-синфлар учун **8 соат**, 5–9-синфлар учун **10 соат**, 10-11-синфлар учун **12 соатни** ташкил қилади.



- »»» Дарс жадвали мактаб томонидан ишлаб чиқилади ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Дарс жадвалини ишлаб чиқишда:

- ✓ ўқувчининг соғлиғи ҳолати инобатга олиниши;
- ✓ ота-оналар билан келишилиши;
- ✓ белгиланган шаклга мувофиқ бўлиши;
- ✓ ҳафтасига камида уч кунга мослаб тузилиши керак.

Дарс жадвали шакли Қўлланманинг Иловалар қисмида берилган.



Ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб, ота-оналарнинг **аризасига мувофиқ** ўқув режасида кўрсатилган фанларни умумий соатлар миқдоридан ошмаган ҳолда

- ✓ Бундай **ўзгартириш** мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқув режасидаги битта фанни бошқа бир фан билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

- »»» Жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш **мактабнинг ўқув дастури**, психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш эса — ақли заиф болалар учун жисмоний, ақлий, сенсор ёки

руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат **ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқув дастури** асосида ташкил этилади.

Дарс соатининг давомийлиги:

✔ жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга – **45 дақиқа**;

✔ психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга – **40 дақиқа**.

»»» Дарсда ўқувчининг олган баҳоси ҳар бир фан бўйича алоҳида юритиладиган **баҳолаш дафтарига** қайд этиб борилади.

Уйда якка тартибда таълим олаётган ўқувчининг баҳолаш дафтари Қўлланманинг “Иловалар” қисмида берилган.

✔ Баҳолаш дафтарига қўйилган **баҳолаш** ўқувчи рўйхатда турган мактабнинг синф журнаliga ёки ўқувчиларнинг давомати ва ўзлаштиришини ҳисобга олиш электрон тизимига киритиб борилади.



»»» Ота-она баҳолаш дафтарига ўқитувчи томонидан дарс машғулоти ўтказилганлигини тасдиқловчи имзо қўйади.

Ўқувчи олган **баҳоларнинг санаси** ва дарс машғулотининг **мавзуси** синф журналидаги сана ва мавзуга тўғри келмаслиги мумкин.

✔ Ўқувчи оғир **мия жароҳатлари**, бош мияда бўлган **жарроҳлик операциялари**, шунингдек, **касаллиги зўрайган даврда** ёки ўқувчининг таълим олишига тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатларда тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосасига асосан, унда кўрсатилган муддатга **ўқишдан озод этилиши мумкин**.

»»» Ўқувчи учун **босқичли назорат** ва **якуний давлат аттестацияси** мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб ўқувчининг уйида ёки мактабда ташкил этилади.

✔ Якуний давлат аттестациясини **муваффақиятли топширган ўқувчига** таълим олганлиги тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат берилади.



Мазкур ҳужжатга ўқув режаси бўйича ўқувчи томонидан ўзлаштирилган фанлар учун баҳо қўйилади, дарс машғулоти утилмаган фанларга баҳо қўйилмайди ҳамда унинг ўрнига **«ozod etilgan»** деган сўзлар ёзиб қўйилади.

»»» Дарс машғулотларининг ўқитувчилар томонидан ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши ҳамда ўқув дастурларининг тўлиқ бажарилишини мактабнинг **ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари** назорат қилади.

УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ БЕРАЁТГАН ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

- Уйда якка тартибда таълим бераётган ўқитувчиларга белгиланган тартибда **қўшимча ҳақ** ва **йўл ҳақи** компенсацияси тўланади.
- Жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган, алоҳида тарбия шароитларига ёки узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирлар руҳий ривожланишда орқада қолган болаларни якка тартибда ўқитганда — ойига 50 фоиз **қўшимча тўлов тўланади**.

Уйда ўқитганлик учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш

- Болаларни уйда ўқитганлик учун мактаб ўқитувчиларига ойлик йўл компенсацияси **базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 фоизи** миқдоридан белгиланади.

2023 йил 1 декабрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори – 340 000 сўм.

Компенсация болаларни уйда ўқитадиган қуйидаги муассасалар ўқитувчиларига тайинланади:

барча турдаги умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига

мактаб-интернатларининг ўқитувчиларига



Компенсация миқдорини белгилашда мактабдан ўқувчининг яшаш жойигача камида **1,5 км масофа бўлиши** инobatга олинади.



Мактабдан ўқувчининг яшаш жойигача камида 1,5 км масофа бўлганда уйда ўқитилаётган бир нафар ўқувчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 фоизи миқдоридан компенсация тайинланади.

»»» Бир нафар уйда ўқитилаётган ўқувчига бириктирилган бир нечта ўқитувчиларга компенсация уларнинг ҳар ойда амалда ўтказадиган ўқув соатлари улушидан келиб чиққан ҳолда уйда ўқитилаётганларнинг ўқув режасидаги ўқув соатларининг умумий миқдорига муносиб равишда белгиланади.



✔ Бунда, ҳар бир мактаб ўқитувчиси учун компенсациянинг умумий миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 фоиздан ошмаслиги лозим.**

»»» Уйда ўқитиладиган **болалар рўйхати**, шунингдек уларнинг мактабга бириктирилиши туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан тасдиқланади.

✔ Уйда ўқитиладиган бола фақат унинг яшаш жойи **микроучасткасидаги мактабга** бириктирилади.

✔ Мактаб ўқитувчиларига компенсация **мактаб директорининг буйруғи** асосида тайинланади.

✔ Компенсация **ўтган ой учун** ойнинг 2-ярми ойлик иш ҳақини тўлаш билан бир вақтда, алоҳида тўлов қайдномаси бўйича тўланади.

»»» Мактаб ўқитувчиларига **таътил кунлари** ва **вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз** бўлган давр учун **компенсация тўланмайди.**



Компенсация миқдорига даромад солиғи, ягона ижтимоий тўлов ва фуқаролар суғурта бадаллари солинмайди.

Асос: Солиқ кодексининг 171-моддаси иккинчи қисми 8-банди.

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ, СИНФ РАҲБАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАМДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда **мактаб директорининг ҳуқуқлари** қуйидагилардан иборат:



✓ уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиниши лозим бўлган ўқувчилар рўйхатини шакллантириш жараёнида юридик ва жисмоний шахслардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

✓ ота-оналардан дарс жадвалига мувофиқ машғулотларнинг ўз

вақтида ўтказилиши учун шароит яратишни талаб қилиш;

✓ туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига уйда якка тартибда таълим беришнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, интерактив усуллар ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасидаги таклифлар билан муурожаат қилиш.

Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда **мактаб директорининг мажбуриятлари** қуйидагилардан иборат:

✓ ўқувчини жонкуяр ва масъулиятли мутахассис ўқитувчи билан таъминлаш;

✓ ўқувчининг имконияти ва қобилиятига мос равишда таълим-тарбия берилишини таъминлаш;

✓ ўқувчининг мактаб ўқувчилари ва жамоаси билан ижтимоий мулоқотда бўлишини таъминлаш;

✓ ота-оналарнинг таълим жараёни билан боғлиқ муурожаатларини ўз муддатида кўриб чиқиш ва уларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш.

Мақтаб директори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

»»» Мақтаб директори ўқувчининг соғлом болалар билан ўзаро **мулоқот қилиш малакасини** ривожлантириш ҳамда **ҳаётга ижтимоийлашувига** кўмаклашиш мақсадида ўқувчини инклюзив шароитда таълим олиши учун мактабдаги дарс машғулотларига, дарсдан ташқари ўтказиладиган **маънавий-маърифий тадбирларга** ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи **машғулотларга жалб қилиши** мумкин. Бунда ўқувчининг соғлиғи ҳолати инобатга олиниши керак.



»»» Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда **синф раҳбарининг мажбуриятлари** қуйидагилардан иборат:

- ✔ дарс машғулотларининг олиб борилишини назорат қилиш;
- ✔ ота-оналар ва ўқувчининг ўқитувчилар билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш;
- ✔ ўқувчини мактабда ёки синфда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга таклиф этиш. Бунинг учун ўқувчининг соғлиғи ҳолати инобатга олинади ва унинг ота-онаси билан келишилади.

»»» Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда **ўқитувчининг мажбуриятлари** қуйидагилардан иборат:

- ✔ ўқувчининг имкониятлари ва тиббий хулосани инобатга олган ҳолда ўқув дастурларининг ўзлаштирилишини таъминлаш;
- ✔ ўқувчиларнинг жисмоний ва психик ривожланишини таъминлаш, атроф муҳит ва ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш;

- ✔ ўқувчининг маънавий-ахлоқий сифатларини юксалтириш ҳамда эстетик дид ва ҳис-туйғуларини тарбиялаш;
- ✔ ўқувчида дарсликлар, бадий адабиётлар ва бошқа манбалар билан мустақил ишлаш малакасини ривожлантириш;
- ✔ дарс машғулоти режасини тузиш;
- ✔ дарс машғулоти оид бўлган ҳужжатларни ўз вақтида юритиш ҳамда ўқувчининг ўзлаштириши бўйича баҳолаш дафтарига қўйилган баҳоларни синф журналига ёки ўқувчиларнинг давомати ва ўзлаштиришини ҳисобга олиш электрон тизимига киритиб бориш.

Синф раҳбари ва ўқитувчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

»»» Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда **ота-оналарнинг ҳуқуқлари** қуйидагилардан иборат:

- ✔ фарзандининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ✔ дарс машғулотларининг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш;
- ✔ ўқитувчининг рухсати билан дарс машғулотида қатнашиш;
- ✔ фарзандининг таълим-тарбия олиши учун зарур ҳолларда ўқитувчи, психолог, дефектолог ва бошқалардан маслаҳат олиш;

✔ фарзандига таълим бераётган ўқитувчи фаолиятдан қониқмаган тақдирда, уни бошқа ўқитувчи билан алмаштириш тўғрисида мактаб раҳбариятига мурожаат этиш;

✔ дарс жадвалини тузиш, ўқув дастурларини белгилаш бўйича таклифлар бериш.



»»» Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда **ота-оналарнинг мажбуриятлари** қуйидагилардан иборат:

- ✔ фарзандининг таълим олишга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш;

- ✔ врач тавсиялари ва фарзандининг кун тартиби тўғрисида ўқитувчини ўз вақтида хабардор қилиш;
- ✔ дарс машғулотларининг олиб борилиши ҳамда ўқитувчи фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш;
- ✔ ўқувчининг соғлиғи тўғрисида мактаб раҳбариятини ўз вақтида хабардор қилиш;
- ✔ ўқитувчи дарс машғулотларига келмай қўйган тақдирда, бу ҳақда мактаб раҳбариятини хабардор қилиш;
- ✔ фарзанди томонидан уй вазифаларининг бажарилишини таъминлаш.

Ота-оналар зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар РЎЙХАТИ

Т/р	Касалликнинг номланиши ва патологик ҳолатлари	Уйда якка тартибда таълим олиш муддати
I. Соматик касалликлар		
	Бириктирувчи тўқиманинг тизимли шикастланиши (тизимли қизил югурик, дерматополиомиозит), ёшлар ревматоид артрити ва тугунчали периартеритнинг оғир турлари	6 ой
	Юрак ва қон айланиш тизимининг туғма нуқсонлари (декомпесация даври, турғун юрак ва қон айланиши етишмовчилигининг II ва III даражаси)	6 ой
	Оғир даражадаги тетрада Фалло касаллиги	ўқув йили
	Туғма ва орттирилган тусдаги ўпка-бронх касалликларининг II ва III даражали турғун нафас етишмовчилиги	6 ой
	Астманинг оғир даражаси (ҳафтада бир неча марта ёки ҳар куни хуруж қилганда)	ўқув йили
	Сурункали гломерулонефрит (буйрак функцияси бузилишининг яққол клиник кўринишида, қайталаш давридаги цитостатик ва стеироид даво ўтказилган даврида)	ўқув йили
	Сурункали пиелонефрит ва сурункали обструктив пиелонефрит (буйрак функцияси бузилишининг яққол клиник кўриниш даври)	ўқув йили
	Ўткир гломерулонефрит бирламчи даволашдан сўнг ремиссия давригача, бирламчи ва иккиламчи нефротик синдроми стероид ва цитостатик даво ўтказилган даврида	ўқув йили
	Турли органларнинг хавфли ўсмалари	ўқув йили

	Муковисцедознинг оғир тури	6 ой
	Целиакиянинг оғир тури (асоратлар билан кечиш даври)	6 ой
	Носпецифик ярали колитнинг оғир тури (қайталанувчи кечиши)	6 ой
	Крон касаллигининг оғир даражаси (асоратлар билан кечиш даври)	6 ой
	Жигар циррозининг декомпенсация даражаси	ўқув йили
	Номаълум этиологияли оқсил-энергетик етишмовчилигининг оғир даражаси (вазн танқислиги 30% ва ундан ортиқ ҳолатларда)	6 ой
	Ўткир лейкоз, апластик камқонликлар, ирсий гемолитик камқонликлар	ўқув йили
	Оғир геморрагик криз билан кечувчи доимо қайталаниб турувчи сурункали тромбоцитопатия, тромбоцитопеник пурпура, гемофилия, Виллибранд ва Гльнцман касалликлари	6 ой
	Туғма ва орттирилган иммун танқислиги ҳолатлари	ўқув йили
II. Психоневрологик касалликлар		
	Руҳий ҳолати бузилганлиги (шизофрения, психознинг зўрайган даври)	ўқув йили
	Оғир неврозлар (неврастения, психоастения), невроз ҳолатларининг зўрайган даври, шу жумладан, энкопрез, кундузги турғун энурез, декомпенсация давридаги дудуқланиш	ўқув йили
	Турли этиологияли яққол кўринадиган энцефалоастеник ҳолатлар (травматик, юқумли, соматик)	ўқув йили
	Психопатиялар, декомпенсация давридаги психопатик ҳолатлар	ўқув йили
	Эпилепсиянинг зўрайган даврида	ўқув йили
	Мустақил ҳаракат қила олмасликка олиб келган таянч-ҳаракат аъзоларининг бузилиши	ўқув йили
	Болалар церебрал фалажи ва унинг асоратлари (енгил тури)	ўқув йили

	Болалар аутизми (хулқ-атвор бузилишлари билан, ўз-ўзини бошқара олмайдиган ҳаракатлар синдроми)	ўқув йили
	Миопатия. Миастениянинг тарқалган шакли	ўқув йили
	Асаб тизимининг демиелинлаштирувчи касалликлари (яққол намоён бўлган клиника даври)	ўқув йили
III. Хирургик касалликлар		
	Таянч аъзоларининг фалажи ва тоз суяклари фаолиятининг бузилиши билан боғланган орқамия чурраси	ўқув йили
	Сийдик тутта олмаслик, сийдик пуфагининг экстро-фияси, сийдик йўллариининг атонияси декомпен-сацияланган шакли. Нажас тутта олмаслиги	ўқув йили
	Орқа чиқарув йўллариининг атрезияси	6 ой
	Турли касалликларда оёқларнинг фалажи	ўқув йили
	Сурункали таянч-ҳаракат аъзолари касаллиги (сурункали остеомиелит суяк сили, остеохондропатия)	ўқув йили
	Бош мия операциясидан кейинги асоратланган ҳолатлар	ўқув йили
	Таянч-ҳаракат тизимида ўтказилган операциялардан кейинги реабилитатив давр	ойдан 1 йилгача
IV. Тери касалликлари		
	Туғма буллезэпидермолиз	ўқув йили
	Туғма ихтиознинг зўрайган даври	6 ой
	Эритродермия псориазининг йирингли тури	6 ой
	Артропатик псориази	6 ой
	Ўткир тери сил касаллиги	ўқув йили

**Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтожлиги
тўғрисида
ТИББИЙ ХУЛОСА**

(умумий ўрта таълим муассасасига тақдим этиладиган қисми)

20__ йил " __ " _____

____-сон

(даволаш-профилактика муассасасининг номи)

1. Ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми

2. Ўқувчининг туғилган санаси (йил, кун, ой)

3. Ўқувчининг доимий яшаш жойи

4. Ўқувчининг ўқиш жойи

5. Ташхис (касалликнинг номи, патологик ҳолати)

Асосий

Асорати

Қўшимча ташхис

6. Ўқувчини тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан унда Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатининг ____-бўлими ____-бандида назарда тутилган касаллик _____

_____ мавжудлиги ҳақида хулосага қилинди.

(касаллик номи, патологик ҳолат ёзилади)

7. Хулосанинг амал қилиш муддати 20__ йил "___" _____ гача
8. Қайта тиббий кўриқдан ўтиш санаси 20__ йил "___" _____ гача

Тиббий-маслаҳат комиссияси _____
раиси _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Тиббий-маслаҳат комиссияси _____
аъзолари ва мутахассислар _____
М.Ў. (имзо) (Ф.И.О.)
_____ (имзо) (Ф.И.О.)
_____ (имзо) (Ф.И.О.)
_____ (имзо) (Ф.И.О.)

Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтожлиги
тўғрисида

ТИББИЙ ХУЛОСАНИНГ КОРЕШОГИ

(даволаш-профилактика муассасасида қоладиган қисми)

20__ йил «___» _____ -сон

_____ (даволаш-профилактика муассасасининг номи)

1. Ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми

_____ 2. Ўқувчининг туғилган санаси (йил, кун, ой)

_____ 3. Ўқувчининг доимий яшаш жойи

_____ 4. Ўқувчининг ўқиш жойи

5. Ташхис (касалликнинг номи, патологик ҳолати)

Асосий

Асорати

Қўшимча ташхис

6. Ўқувчини тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан унда Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатининг ___-бўлими ___-бандида назарда тутилган касаллик _____ мавжудлиги ҳақида хулоса қилинди.

(касаллик номи, патологик ҳолат ёзилади)

7. Хулосанинг амал қилиш муддати 20__ йил " __ " _____ гача

8. Қайта тиббий кўриқдан ўтиш санаси 20__ йил " __ " _____ гача

**Тиббий-маслаҳат комиссияси
раиси**

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Тиббий-маслаҳат комиссияси
аъзолари ва мутахассислар**

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тиббий хулоса 20 __ йил " __ " _____ га қадар

_____ га

(умумий ўрта таълим муассасасининг сони,
манзили)

топшириш учун _____ га
берилди.

(топширадиган шахснинг
Ф.И.О.)

Тиббий хулосани олдим: 20 __ йил " __ " _____

(имзо)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ тумани (шаҳри)

_____-сонли умумтаълим
мактаби директори

(имзо)

(Ф.И.О.)

20 __ йил “ __ ” _____

**Уйда якка тартибда таълим олаётган _____-синф ўқувчиси
_____ учун тузилган**

(ўқувчининг
г Ф.И.О.)

ДАРС ЖАДВАЛИ

Ҳафта кунлари	Фаннинг номи	Дарснинг бошланиш вақти	Дарснинг давомийлиги	Ўқитувчининг Ф.И.О.
Душанба				
Сешанба				
Чоршанба				
Пайшанба				
Жума				
Шанба				

Уйда якка тартибда таълим олаётган ____-синф
ўқувчиси

_____нинг

(ўқувчининг
Ф.И.О.)

« _____ » фанидан

(фаннинг номи)

БАҲОЛАШ ДАФТАРИ

Сана	Мавзу номи	Ўқувчига қўйилган баҳо	уй вазифаси	Ота-онасининг имзоси